

Жорий йил бошидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхоналари орқали **103 та**, вилоят ҳокимининг телеграми ва ишонч телефони орқали **76 та**, фуқароларнинг тўғридан-тўғри туман ҳокими номига ёзган мурожаатлари **226 та**, туман ҳокимининг ҳафталик шахсий қабулларига **498 та** ҳамда туман ҳокимининг ҳудудларда ўтказган сайёр қабулларига **104 та**, жами **1005 та** мурожаатлар келиб тушди.

Келиб тушган мурожаатларнинг:

- **708 та**си (**70 %**) ижобий ҳал қилинди;
- **290 та**сига (**29%**) тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди;
- **8 та** (**1 %**) мурожаат ўрганиш жараёнида турибди.

Ҳурматли Президентимиз томонидан 2024 йилнинг 11 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқ асосида Қўшработ туманини камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича “**Қўшработ тажрибаси**”ни бўйича амалга оширилган ишлар

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, тумандаги **104 та** корхона ва ташкилот раҳбарлари **520 та** камбағал оилаларга бириктирилди.

Бириктирилган раҳбарлар томонидан жами **1056 та** тадбирлар амалга оширилди.

Шундан, **315 та** фуқароларимиз доимий ишга жойлаштирилди, **250 та** фуқароларимизга имтиёзли кредитлар ажратилди, **52 та** фуқароларимизга субсидиялар ажартилди, **136 та** фуқароларимиз касб-ҳунарга ўқитилди, **304 та** фуқароларимиз тадбиркорликка жалб қилинди.

Натижада, туманимизда камбағаллик даражаси йил ботидаги **7,7 фоиз**дан бугунги кунда **7,1 фоиз**га тушурилди.

Жорий йил якунига қадар **940 та** камбағал оилаларнинг **3900 нафар** аъзолари билан индивидуал ишлар ташкил этилади ва натижада йил якунида камбағаллик даражаси **5,2 фоиз**га туширилади.

**Аҳоли бандлигини таъминлаш**, фуқароларни даромадли фаолият билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Ишсизлик даражасини пасайтириш мақсадида, ўтган 6 ойда барча йўналишларда **5649 нафар** фуқаро бандлиги таъминланди. Шундан:

- **4225 нафар** тадбиркорлик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишида;
- **786 нафар** қишлоқ хўжалиги йўналишида;
- **309 нафар** қурилиш ва коммунал соҳасида;
- **329 нафар** инвестиция лойиҳалари ва саноатни ривожлантириш йўналишида бандлиги таъминланди.

Шунингдек, тумандаги **2 та** касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, **8 та** маҳаллалардаги касб-ҳунарга ўқитиш масканларида ҳамда вилоят ўқув марказларида **344 нафар** банд бўлмаган фуқаролар турли йўналишларда ўқитилди.

Натижада, ишсизлик даражаси йил бошидаги **6,7 фоиздан 6,1 фоизга** тушурилиб, бугунги кунда ишсизлар сони **3190 нафарни** ташкил этмоқда.

Йил якунига қадар ишсизлар сонини қисқартириш бўйича манзилли ва тизимли ишлар олиб борилади, натижада ишсизлик даражаси **5,0 фоизга** тушурилишини олдимизга мақсад қилиб олганмиз.

Президентимизнинг ташаббуслари билан Қўшработ туманини 2025 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун барча манбалар ҳисобидан **299,3 млрд.** сўм маблағ ажратилди.

Шундан, **128,7 млрд.** сўм бюджет маблағлари, **170,6 млрд.** сўм банк кредитлари маблағлари.

Ушбу маблағлар ҳисобидан ўтган давр мобайнида:

“Оғир” тоифадаги **10 та** маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун **жами 30,0 млрд** сўм маблағ ажратилди, жумладан:

- **аҳоли томорқасини суғориш тизимини яхшилаш** учун **6 та** маҳаллага ажратилган **11,4 млрд** сўм маблағ ҳисобидан бугунги кунда **5 та** насос ўрнатилди, **5 та** артизан қудуғи қазилди, **7,9 км** сув тармоғи тортилиб, **4,0 км** лоток ётқизилди ҳамда **4,0 км** ариқ бетонлаштирилди.

Натижада, узоқ йиллардан буён суғориш тизими мавжуд бўлмаган **6 та** маҳалладаги **8 минг** аҳоли томорқалари сув билан

таъминланиб, **7,1 минг** аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишига эришилди.

- электр таъминотини яхшилаш учун **10 та** маҳаллага ажратилган **11,4 млрд** сўм маблағ ҳисобига **450 дона** бетон устунлар, **3 та** трансформатор ўрнатилиб, **10,2 км** электр тармоқлари тортилди.

- ички йўллари таъмирлаш учун **15,2 млрд** сўм маблағ ҳисобига **23 км** йўлни асфальтлаш ҳамда **5 км** пиёдалар йўлагини барпо этиш ишлари амалга ошириш кўзда тутилган.

“Оғир” тоифадаги **10 та** маҳалланинг ички йўллари таъмирлаш учун **14,6 млрд** сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, ишлаб чиқилган лойиҳа смета ҳужжатлари асосида **22,4 км** ички йўллари таъмирлаш ишлари **июль-август** ойларида якунланиб, **5 км** пиёдалар йўлаклари **1 сентябрга қадар** фойдаланишга топширилади.

Туманда **5 та** драйвер лойиҳа шакиллантирилган бўлиб инфратузилма объектларини қуришга Республика бюджетидан **10,5 млрд.** сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

**Биринчи босқичда** қиймати **27,5 млрд.** сўмлик **3 та** “драйвер” лойиҳалар танлаб олинган. Ушбу лойиҳаларни ишга тушириш учун инфратузилма объектларини қуришга Республика бюджетидан **8,4 млрд.** сўм маблағ ажратилди. Жумладан:

- **5 та** маҳаллада (*Қўштамғали, Қоратош, Бозоржой, Шовона, Қўшрабат*)ги аҳолига ижарага берилган сув таъминоти оғир бўлган 72,7 гектар ер майдонларида сув таъминотини яхшилаш орқали даромадли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ердан самарали фойдаланишни режалаштирилган.

Бунинг учун, ушбу маҳаллаларда **11 та** суғориш қудуқлари қазилганга **2,5 млрд.** сўм, **11 та** трансформатор ўрнатишга **385 млн.** сўм, **5 км** электр тармоғи тортишга **0,5 млрд.** сўм ҳамда **11 та** қуёш панел ўрнатишга **1,27 млрд.** сўм ажратилиши белгиланган.

Бугунги кунда, **5 та** маҳаллада (*Қўштамғали, Қоратош, Қўшрабат, Бозоржой ва Шовона*) аҳолига ижарага берилган **72,7 гектар** ер майдонларида ток кўчатлари экилган.

Шовона маҳалласида 4P-55 автомобиль йўлининг 15-16 км қисмида **0,10 га** ер майдонини лотларга бўлиб аукционга чиқариш, Хонназар маҳалласида 4P-55 автомобиль йўлининг 20-21 км қисмида **0,08 га** ер майдонини лотларга бўлиб аукционга чиқариш, Чиммос маҳалласида 4P-55 автомобиль йўлининг 65-66 км қисмида **0,05 га** ер майдонини лотларга бўлиб аукционга чиқариш орқали енгил конструкцияли савдо ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш режалаштирилган.

Шовона маҳалласида **0,10 га** ер майдон 21 та лотларга бўлиб аукционга чиқарилган ва ютиб олинган. Бугунги кунда енгил конструкцияли савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши бошланиб, давом эттирилмоқда.

Хонназар маҳалласида **0,08 га** ер майдонини 16 та лотларга бўлиб аукционга чиқарилган. Бугунги кунда енгил конструкцияли савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши бошланган.

Чиммос маҳалласида **0,05 га** ер майдонини 8 та лотларга бўлиб аукционга чиқарилган.

Бунинг учун, **4 та** сув иншооти, **2 км** сув тармоғи, **4 та** трансформатор қуриш, **1 км** электр тармоғи тортиш, **1 км** йўлни асфальтлаш, **40 дона** тунги ёритиш чироқлари ўрнатилади.

Бугунги кунда, “Doston stroy” ОК томонидан **1 км** йўлни асфальтлаш ва **40 дона** тунги ёритиш ишлари бошланган.

- Пангат маҳалласи ҳудудидан ўтувчи Пангат сойининг **3 км** қисмида аҳоли дам олишини учун зарур инфратузилмани таъминлаш орқали ҳудудда аҳоли дам олиш, савдо ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш учун **3 км** йўлни асфалтлаш (**2,1 млрд.** сўм) ишлари якунланди.

Ҳар бир ҳудудда аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳудуд иқтисодиётини жадал ривожлантириш бўйича Давлатимиз раҳабари томонидан белгилаб берган аниқ вазифа ва топшириқларидан келиб чиқиб, туманда ҳам бу борада изчил ўзгаришлар бўлмоқда.

Хусусан, хорижий ҳамкорлар томонидан инвестицияларни жалб этиш ва экспорт соҳасидаги кўрсаткичларимиз ўтган йилларга нисбатан ошиб бормоқда.

Жорий йилда **60,0 млн.** АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар **20,3 млн.** АҚШ долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Жумладан:

Хитой Халқ Республикасининг **“SI TONG STONE” МЧЖ** хорижий корхонаси томонидан “Гранит тошларини қазиб олиш ва қайта ишлаш” лойиҳасига **12,9 млн.** доллар;

**“FUJIAN XINWANCHENG INVESTMENT” МЧЖ** хорижий корхонаси томонидан “Гранит тошларини қазиб олиш ва қайта ишлаш” лойиҳасига **5,1 млн.** доллар;

**“SAMARQAND MAITE BUILDING MATERIALS” МЧЖ** хорижий корхонаси томонидан “Пишган ғишт ва газаблок ишлаб чиқариш” лойиҳасига **2 млн.** доллар;

**“ALIHAN ORGANIC AGRO LLC” МЧЖ** хорижий корхонаси томонидан “Боғдорчиликни ташкил қилиш” лойиҳасига **0,3 млн.** доллар миқдорида инвестициялар киритди.

Шунингдек, ҳудудий инвестиция дастури асосида жорий йилда умумий қиймати **375,5 млрд.** сўмлик **56 та** лойиҳалар амалга оширилиши натижасида **907 та** янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Бугунги кунга қадар қиймати **142,1 млрд.** сўмлик **32 та** лойиҳалар ишга туширилди ва **253 та** янги иш ўринлари яратилди.

Экспорт йўналишида туманда жорий йил бошидан бугунги кунга қадар **2,9 млн.** АҚШ доллари миқдорида (*шундан, саноат маҳсулотлари 1,6 млн. ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1,3 млн. доллар*) маҳсулотлар ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

Йил якунига қадар **4,4 млн.** АҚШ долларлик маҳсулотлар ва хизматлар экспорти амалга оширилади ва ўтган йилга нисбатан **122 фоиз**га етказилади.

Таълим соҳасида Президентимиз ташаббуслари билан туманнимизнинг олис ҳудудларида жойлашган **12 та** (*Дўстлик, Навкат, Қўшработ, Пангат, Қовунчи, Қоратош, Қўштамғоли, Урганжи,*

Оқчопсой, Тоз, Янгиқишлоқ, Жонбулоқ) маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли пунктларидан ўқувчиларни умумтаълим мактабларига бориб келишлари учун **17 та** махсус мактаб автобуслар ажратилди ва бугунги кунда қатнови йўлга қўйилди.

Тумандаги **185 та**, шундан **32 та** Давлат, **5 та** Давлат хусусий шеркчилик асосидаги ва **148 та** оилавий мактабгача таълим муассасаларида **10,4 минг** нафар 3-7 ёшдаги болалар тарбияланмоқдалар.

Мактабгача таълим муассасалари билан таъминланиш қамров даражаси **74,1 фоизи**ни ташкил этмоқда.

Қамров даражасини ошириш мақсадида тумандаги Давлат мактабгача таълим муассасаларига қўшимча бинолар қурилмоқда ва оилавий боғчалар ташкил этилмоқда.

Мисол учун, жорий йилда 13-сонли Давлат мактабгача таълим муассасасига қўшимча **150 ўринли** қўшимча бино қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Тумандаги **88 та** мактаб ва **24 та** мактаб филиалларида **25,8 минг** нафар ўқувчилар таҳсил омоқдалар.

Жорий йилда мактабларни **1479 нафар** битирувчилардан **25 нафар** ўқувчиларга олтин ва кумуш медаллари (**19 та олтин** ва **6 та** кумуш медаль) берилди.

Мактаб битирувчиларни **98,0 фоизи** олий таълим муассасаларига ҳужжат топширдилар.

Мактабларда ўқувчиларга таълим олишлари учун шарт-шароитлар яхшилаш, ўқув самарадорлигини ошириш мақсадида жорий йилда **6 та** таълим муассасаларига (12-, 26-, 34-, 43-, 48-, 73-сонли мактаблар) **1350 ўринли** қўшимча бинолар қурилди.

“Озод” маҳалла фуқаролар йиғинида **264 ўринли 3 қаватли** янги замановий мактаб биноси, “Опен бюджет” мактаблари доирасида 8-сонли мактабга **160 ўринли** ўқув биноси, 3 ва 23-сонли мактабларга **12х24 метр** ўлчамдаги спорт зал бинолари қурилиб, фойдаланишга топшириш арафасида турибди.

**Тиббиёт соҳасида** туманда **1 та** (**230 ўринли**) марказий шифохона, **1 та** (**240 қатновли**) кўп тармоқли марказий

поликлиника, **12 та** (**510 қатновли**) оилавий шифокорлик пункти, **2 та** (**200 қатновли**) оилавий поликлиника ва **10 та** тез тиббий ёрдам шахобчаси қошида **22 та** маҳалла тиббий пунктлари ҳамда **7 та** хусусий клиникалар фаолият юритмоқда.

Аҳолини профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида **140,7 минг** нафар фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди, **32,2 минг** нафарида диспансер ҳисобида турган беморлар бўлиб, **23,1 минг** нафари амбулатор, **8,5 минг** нафари стационар шароитда соғломлаштирилди.

Аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳар йили инфратузилма объектлари янгидан қурилмоқда, фойдаланувда бўлганлари эса таъмирланиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Жорий йилда ҳам инфратузилма объектларида кенг қамровли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан,

**Йўл қурилиш бўйича** тумандаги умумфойдалнишдаги йўлларнинг **2 км** қисми, ички йўлларнинг **26,1 км** қисмига асфальт қопламаси ётқизилди.

Таъмирталаб ички тупроқ йўлларининг **125 км** қисмига қум-шағал ётқизиб таъмирланди.

**Электр таъминотини яхшилаш мақсадида** **12 км** электр тармоғи тортилди, **9 та** трансформатор пунктлари қурилди, **440 та** яроқсиз таянч устунлар янгисига алмаштирилди.

Шунингдек, мавжуд **6 та** подстанциялардан **3 та** сининг (“Зарбанд”, “Жўш”, “Кушработ”) трансформаторлар қуввати оширилди.

**Кўприк қурилиш бўйича** жорий йилда “Катта Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи сой устига пиёдалар ва автомобиллар кўприги, “Чиммос” маҳалласи Тўра қишлоғидан ўтувчи сой устига автомобил кўприги, “Тегирмоновул” маҳалласи Кизилбел қишлоғида **2 дона** автомобиллар кўприги қурилиб фойдаланишга топширилди.

**Ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича** “Майинтепа” ва “Қўрғон” маҳалла фуқаролар йиғинларида **2 дона** сув иншоотини реконструкция қилиниб, **9 км** тармоқ

тортилди ва **210 та** хонадон илк бор марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланди. Натижада ичимлик суви билан таъминланиш даражаси **79,4 фоиз**га етказилди.

**Аҳолини кўп қаватли уй-жойларга** бўлган эhtiёжини қондириш мақсадида “Заркент” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида **1 та 7-қаватли** (85 хонадонли), **1 та 5-қаватли** (45 хонадонли) ҳамда Намуна маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан **2 та 5-қаватли** (60 хонадонли) кўп қаватли тураржой бинолари қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

**“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида** 2025 йил давомида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида, туманда **513 минг** туп манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилиб парвариш қилинмоқда.

Шунингдек, ушбу лойиҳа доирасида “Ҳокимлик боғи” ҳамда “Яшил жамоат парки” ташкил этилди.